*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 26 сентябрь ЧОРШАНБА

№ 77 (12.505)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизда кучли мактабга эга бўлган ҳамда Олимпия ўйинлари ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спорт курашини олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда тренер кадрларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу асосда мамлакатимиз терма жамоалари учун ишончли захирани шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясининг Тошкент шаҳрида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги идоравий спорт комплексига тегишли бинолар ва иншоотларнинг бир қисми негизида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш истеъдодли курашчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган ўз интернатига эга бўлган спорт-соғломлаштириш муассасаси сифатида ташкил қилинади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг умумий контингенти 60 нафар ўқувчини ташкил қилади, улар тураржой, тўрт маҳал овқат, спорт экипировкаси ҳамда махсус кийим-бош, спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминланадилар.

3. Қуйидагилар Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур бўлган тақдирда спорт кураши бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда, курашчиларни спорт кураши соҳасидаги энг янги илмий-методик тавсияномалар асосида тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини юқори даражада ташкил қилиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг профессионал қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, замонавий спорт курашини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

ўқувчи-курашчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун тажриба алмашиш борасида спорт кураши бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари;

Спорт курашлари ассоциацияси маблағлари;

ҳомийлар маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчасида жойлашган спорт комплексининг тегишли бинолари ва иншоотларини, бошқа мулкларини, "Динамо" стадионини Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг балансига белгиланган тартибда бепул ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг тузилмасини ва мактабга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартибини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш нормативларини;

(Давоми 2-бетда).



## ГЕРМАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОН ЭЪТИРОФИ

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган мамлакатда ишсизликнинг олди олинади, давлат иқтисодиёти мустаҳкамланади.**

Иш бошлаганига кўп бўлмаган "TEXSTIL MILL TASHKENT" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси, нафақат вилоятимиз, балки мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳрида барпо этилган корхонанинг биринчи босқичи учун 860 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди.

– Фабрикамизда жаҳон андозаларидаги пайпоқлар ишлаб чиқарилмоқда, – дейди иш бошқарувчи Исмоил Нурматов. – Ускуналар Хитойнинг етакчи фирмаларидан бири "SooSan"дан келтирилган бўлиб, улар унумдорлик ва сифат ошишига хизмат қилмоқда. Корхонанинг очилиш маросимига ташриф буюрган германиялик ишбилармон Норбет мамлакатимизда чет эллик сармоядорларга яратилган қулай инвестиция муҳитини алоҳида таъкидлаб, бу ҳамкорликка туртки бўлишини айтган эди. Шунинг учун бўлса керак, бу йил немис ишбилармонлари билан яна бешта корхонани ишга тушириш режалаштирилган.

Корхонада 95 киши турли йўналишларда меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги шу соҳа мутахассислари бўлган йигит-қизлардир. Ишни янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш корхона раҳбариятининг галдаги муҳим режаларидан бири. Улар бир йилда 3,5 миллион дона пайпоқ ишлаб чиқаришни мақсад қилишган.

Дарвоқе, туман ҳокимлиги ишлаб чиққан дастурга мувофиқ бу йил туманда 80 миллиард сўм инвестиция киритилиши назарда тутилган.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Дилафруз Ёқуббоева ва Феруза Йўлдошева иш жараёнида.
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**ВИЛОЯТ ХАЁТИ**

### ОТАДЕК УЛУҒ ЗОТ

**Чиноз туманидаги 1-умумтаълим мактабида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан байрам уюштирилди.**

Унда ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, туман халқ таълими бўлими ходимлари, фахрий устозлар иштирок этди. Ўқувчилар тайёрлаган қизиқарли байрам дастури йиғилганларга манзур бўлди.

"Таъзим сизга, устозлар!" мавзуида ўтган тадбир сўнгида бошқаларга ибрат бўлган ўқитувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

### МЕРГАНЛАР БАҲСИ

**Қибрай туманидаги ўсмирлар спорт-техника клуби ишчи ходимлари ва ўқувчилар ўртасида спортнинг ўқ отиш тури бўйича мусобақа ўтказилди.**

Анъанага айланган мусобақада 50 га яқин кўнгиллилар иштирок этди. Аёллар ўртасида 1-ўрин мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгаши раҳбари ўринбосари Наргиза Мираҳмедовага насиб этди. Эркаклар орасида Акмал Рўзиматовга тенг келадиган мерган топилмади.

Ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

### АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ҲАМДА ҲАМЁНБОП

**Зангиота тумани Эшонгузар қишлоғида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона фаолият бошлади.**

Дастлабки тайёр консерва ва колбаса маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**ТАЭКВАНДО**

## ВАКИЛЛАРИМИЗ УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

**Пойтахтдаги "Жар" спорт мажмуасида таэквандо (ITF) бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Анъанага айланиб қолган ушбу мусобақаларда мамлакатимизнинг барча минтақаларида Шарқ якка курашлари билан жиддий шуғулланаётган 7-14 ёшли бола ва қизлар иштирок этишди.**

– Бундай турнирлар бошловчи спортчиларга муносиб рақиблар билан беллашувларда ўзларини кўрсатиб, республика терма жамоаси таркибидан ўрин эгаллашлари учун яхши имкониятдир, – дейди Таэквандо миллий ассоциацияси (ITF) президенти Лазиз Ҳасанов. – Шарқ якка курашлари мамлакатимизда йил сайин оммалашиб бораяпти. Бу бежиз эмас, чунки, ушбу кураш ёшларимизни нафақат жисмонан чиниқтиради, балки ҳаётда тўғри яшаш фалсафасини ҳам ўргатади.

(Давоми 4-бетда).

## БЕПУЛ ИНТЕРНЕТ ҲУДУДЛАРИ

**Фонд Форум, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиздаги ўқув муассасаларида янги лойиҳа асосида "Келажак овози" бепул Wi-Fi интернет ҳудудлари ташкил этилди.**

Ҳозирга кунда "Келажак овози" интернет ҳудудлари бутун мамлакатимиз бўйлаб, Тошкент шаҳридан ташқари, 69 та ўқув даргоҳларида йўлга қўйилди. Вилоятларда интернетга уланиш масаласи мураккаб экани ҳеч кимга сир эмас. "Келажак овози" Wi-Fi ҳудудлари Инновацион ғоялар маркази ишлаб чиққан лойиҳадир.

**"Туркистон-пресс".**

**ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ УЧУН**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Болаларни умуминсоний қадриятларни ҳурматлаш, оналикни муҳофаза этиш ва болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларига содиқ бўлиш, маънавий меросни сақлаш ва ривожлантириш, юксак ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш ота-оналарнинг конституциявий ва маънавий бурчидир.**

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш, вояга етмаган болалар ва оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари манфаатларини ҳимоялашнинг устуворлигини назарда тутади. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши ота-она ва болалар ҳуқуқлари муҳофазасини, ота-оналарнинг болаларини тарбиялашдаги масъулиятларини оширишни таъминлашга имконият яратади, вояга етмаганлар қонунбузарликларининг олдини олиш чораларидан бири ҳисобланади.

Оҳангарон шаҳар прокурори жавобгарлар Марина Соловьёва ва Оҳангарон шаҳар ҳокимиятига нисбатан фарзандликка олишни бекор қилиш ва болани давлат тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган. Судда аниқланишича, фуқаро М. Соловьёва Оҳангарон шаҳар ҳокимининг қарорига асосан вояга етмаган В. Галактионовни фарзандликка олган. Бироқ, унинг тарбияси билан шуғулланмай, қаровсиз қолдиргани оқибатида, бола ойлаб ўқишга бормаган, кўчада қолиб, тиланчилик қилиб юрган.

Оқибатда, суднинг ҳал қилув қарорига кўра вояга етмаган Владислав Галактионов М. Соловьёванинг тарбиясидан олиниб, давлат тарбия муассасасига жойлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

**МАЪНАВИЯТ**

## УСТОЗЛАР, СИЗГА ТАЪЗИМ!

**Бу дунё эзгулик билан, меҳру оқибат билан гўзал, файзли. Шунинг учун ҳам "дунёни гўзаллик қутқаради" дейишади. Гўзалликни идрок этиш, яхшини ёмондан фарқлашда эса аввало ота-она, қолаверса, устозининг ўрни, роли бекиёс.**

Бу ҳақда аллома шоир Жалолиддин Румийнинг шундай сўзлари бор:

*"Тўғри йўлда кимса*
*этгайдир амал,*
*Йўқ эса устози,*
*топгайми самар?"*

Яъни ҳар ким ўз йўлидан тўғри бораётган, ишини бир нав бажараётган бўлса-да, устози, яъни етакчиси бўлмаган киши мақсад ҳосилига етиша олмайди. Ёки:

*"Изла орифлар зиёсин,*
*кўзга сурт,*
*Кўзларинг ирмоқ эса,*
*дарё бўлур".*

("Най ноласи" ҳикматлар).

Ортиқча изоҳ талаб этмайдиган ушбу сатрлар инсон ҳаётида бекиёс ўринга эга устоз, ўқитувчи, мураббийларга берилган холис баҳо, самимий таърифдир. Зеро, бундай табаррук касб эгалари азал-азалдан эъзозу эҳтиромга лойиқ кўрилган. Ахир нене жаҳонгирлар, мислсиз куч-қудрат эгалари ёки ўз қалами, ижоди билан дунёни забт этган даҳоларнинг ҳам ўқитувчиси, устози бўлган. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айниқса, устозининг неварасига отдан ерга тушиб салом берган улуғ аллома, ғазалиёт мулкининг султони Алишер Навоийнинг Мавлоно Абдураҳмон Жомийга бўлган муносабати устозларга нисбатан улуғ меҳр, буюк садоқатнинг бекиёс намунасидир.

Заковат соҳиблари ҳамиша шогирдлар ардоғида бўлган. Айтишларича, ўз даврининг энг қудратли ҳукмдорлари бўлган Искандар Зулқарнайн ҳам устози Арастуга атаб маҳобатли ҳайкал барпо этган. Бу ҳолни у шундай изоҳлаган:

– Отам менинг жисмимни тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушди. Устозим Арасту эса менинг руҳимни тарбия қилиб, ердан осмон қадар юксалтирди...

Дарҳақиқат, "Устоз отангдек улуғ" дея бежиз айтилмаган. Бу ҳикмат асрлардан-асрларга, замонлар оша ўзидан эзгулик, одамийлик нурини таратиб келмоқда. Аммо, бу нурнинг йўлларини тўсгувчи иллатлар тараққиёт заволига айланган даврлар ҳам кўп бўлган тарихда.

Ҳозирги кунда Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, "ранж ила бир ҳарф ўргатган" устозлар, ўқитувчию мураббийлар хизмати қадр топиб, муносиб тақдирланмоқда. Истиқлол шарафли касб, камтарин, самимий қалб эгаларига ўзгача рағбат, чуқур мазмун-моҳият бахш этди. Алҳол, "комил инсон ҳар бир одамнинг комил бўлиши учун қайғуради". (Ван Шоумеен).

Ҳар томонлама соғлом, баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифа этиб белгиланиши, Юртбошимиз раҳнамолигида "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни амалга ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар замирида ҳам халқ тақдири, унинг келажаги, Ватан равнақи ҳақидаги олий мақсад мужассам. Бу мақсад ҳосилига дахлдор инсонларга бўлган юксак эътиборнинг ифодаси ўлароқ қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги қарори, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва Фармони билан 1 октябрни "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" сифатида байрам қилиниши соҳа вакиллари учун бекиёс рағбат, шу билан бирга улкан масъулият, куч-ғайрат бағишлади.

(Давоми 2-бетда).

**ПАХТА – 2012**

## ТЕРИМ СУРЪАТИ – ХИРМОН БАРАКАСИ

**Юқори Чирчиқ – вилоятимизнинг шимолий тумани. Барча экинлар қатори пахта ҳам бошқа туманларга қараганда, камида 15 кун кеч пишиб етилади. Шу боис олди туманлар йиғим-теримга оммавий киришиб, йиллик шартноманинг учдан бир қисми миқдорида хом ашё тайёрлашга улгурган пайтда, Юқори чирчиқликлар теримни бошлайдилар.**

Аммо, бу туманнинг ўзига хос яхши анъанаси бор. Йиғим-терим ҳар жиҳатдан пухта уюштирилиб, тез фурсатда кунлик суръат бўйича барча туманлардан ўзиб кетади ва шартномани кўпинча пешқадамлар қаторида бажаради. Буни пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги 24 сентябрга бўлган тезкор маълумотдан ҳам кўриш мумкин.

"Абдумажид бобо" ва "Мадинабону Иброҳим" фермер хўжаликлари туманнинг умумий пахта хирмонига энг кўп пахта тўкиб, кунлик ўсишга салмоқли ҳисса қўшди.

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТДА:** фермер Акбар Машахапов.
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

# СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот, спорт ва хўжалик ускуналари, жиҳозлар, замонавий компьютер техникаси, техник ҳамда транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мулкларнинг зарур рўйхатини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот корпусининг қурилишини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг Низоми тасдиқланишини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг юқори малакали мутахассислар билан таъминланишини, ўқув хоналарининг зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозланишини;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчилари тайёргарлигининг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши ва зарур ҳолларда тайёргарлик жараёнига тегишли тузатишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

икки ой муддатда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини керакли ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебель ва анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техник ва транспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулк билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ҳомийлар билан биргаликда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқув-машғулот жараёнига Федерациянинг кадрлар ва ўқув-методик салоҳияти жалб этилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорга мувофиқ, 2013 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджети параметрларида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг жорий таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

3 та хизмат автотранспорти, шу жумладан, битта автобус таъминоти учун лимит белгиласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 сентябрь.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ УЧУН

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Суд бошқа-бошқа яшайдиган ота-онанинг қайси бири билан қайси боласи яшашига оид низоларни ҳал этишда Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшашини хоҳлашини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Оила кодекси 75-моддасининг 5-қисмига асосан, ота-она алоҳида яшаганда балаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Масалан, даъвогар Д. Маҳамедова жавобгар С. Маҳамедовдан вояга етмаган боласини ўз тарбиясига олиб бериш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилган. Унда 2012 йил 1 майда жавобгарнинг уйидан чиқиб кетишга мажбур бўлгани, ҳозир у билан яшамаслиги, лекин жавобгар катта ўғлини бермагани, бир марта уйига олиб келганида, ўғли йиғлаб, кетмайман дегани, лекин жавобгар уни судраб олиб кетганини, жавобгарнинг уйида кундузи ҳеч ким бўлмаслиги, қайнонаси эса бозор қилиши, бола қаровсиз қолгани, ўз уйида бола тарбияси учун барча шарт-

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

шароит борлиги, ака-ука бирга катта бўлиши керак эканини баён этиб, суддан фарзанди Илҳомжонни жавобгардан ўз тарбиясига олиб беришини сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 13 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлалараро судининг 2012 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар Д. Маҳамедованинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Қибрай тумани васийлик ва ҳомийлик органи масъул ходими 2012 йил 30 мартда тузган далолатномага қараганда, ҳозир даъвогар Д. Маҳамедова яшаб келаётган Қибрай тумани, Матқобулов қишлоғи, Марказий кўчаси, 182-уйда вояга етмаган боланинг тарбияси учун шароит етарли эмас. Жавобгар С. Маҳамедовнинг Қибрай қишлоғи, Зебунисо кўчаси, 22-уй, 16-хонадонда бола тарбияси учун шароит етарли экани кўрсатилган. Бироқ, биринчи ва апелляция суди даъвогар Д. Маҳамедованинг даъво талабларини асосли равишда қаноатлантирган. Чунки, вояга етмаган Илҳомжон укаси Иқболжондан айрилиши мумкин эмаслиги, улар бир-бирига боғланиб қолгани, ҳозир болалар кичиклиги, улар тарбиясида асосан онанинг роли катталиги ва камолоти учун шарт-шароитлар она томонидан тўғри таъминланиши эътиборга олинган.

Ота-она (улардан бири) Оила кодексининг 79-моддасига биноан ўзларининг айбли хулқ-атворига кўра, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасаларидан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиш оғир ва жамоат учун хавфли ҳисобланади.

Афсуски, жамиятимизда ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан ўта оғир жиноят содир қилган ота-оналар ҳам учраб туради. Оҳангарон шаҳрида яшовчи Геннадий Сливкин доимий спиртли ичимликлар ичиб, уйда жанжал кўтариб, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, уларга моддий ёрдам бермай келди. У вояга етмаган қизи Надежда Сливкинанинг номусига текканлиги учун суд хукмига кўра 18 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Оқибатда суднинг ҳал қилув қарорига асосан Г. Сливкин вояга етмаган фарзандлари Надежда Сливкина ва Данил Сливкинларга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ундан фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш белгиланди. Болалар оналари Наталья Сливкина тарбиясида қолдирилди.

Оила кодексининг 96-моддасига кўра ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Бу мажбуриятини бажармаган ота-онадан суднинг ҳал қилув қарорига ёки буйруғига асосан алимент ундирилади. Бундан ташқари, ота-она фавқулодда ҳолатлар – боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқа ҳолатлар туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда ҳам иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Афсуски, жамиятимизда ҳанузгача ўз фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келаётган шахслар учраб турипти. Жумладан, фуқаро И. Қўшназаров фарзандларига алимент тўлашдан бўйин товлагани учун суднинг ҳукмига кўра жиноий жавобгарликка тортилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, прокуратура органлари ва судлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари асосида асосий вазифалари – болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш борасида изчил иш олиб бормоқда.

**Аҳмад АҲМЕДОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,**
**адлия катта маслаҳатчиси.**

МАЪНАВИЯТ

# УСТОЗЛАР, СИЗГА ТАЪЗИМ!



Ўз навбатида бундай эътибор ва ғамхўрликларга жавобан халқ таълими тизими ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фидойилар вилоятимизда истаганча топилади. Улар ҳукуматимизнинг турли мукофот ва унвонларига лойиқ кўрилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундай фидойилардан бири бекободлик тарих фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, халқ ўқитувчиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени ва қатор унвонлар соҳиби Қосимжон Ёқубовдир. Салкам ярим асрлик меҳнат фаолиятининг кейинги 21 йилини алоҳида меҳр, руҳий қониқиш билан сўзлайдиган кекса устознинг навбатдаги китоби "Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси бир тарих ёхуд кекса муаллим ўгитлари" деб номланибди. Ҳақиқий ватанпарвар, ижодкор ўқитувчининг шу вақтгача 10 дан ортиқ китоблари нашр этилган. Ҳаётини ўлкаси тарихини ўрганишга, ёшларни ўз юрти, Ватанига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга бағишлаган жонкуяр муаллим Бекобод туманида 3 та ўлкашунослик музейини ҳам ташкил этган.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ўз фанининг фидойиси, бетиним изланиш, ўргатишни саодат деб билган муаллим мустақиллик неъматлари ҳақида чуқур ҳаяжон билан сўзлайди:

– Мустақиллик менга том маънода эркинлик ва янгича куч-ғайрат ато этди. Ўша вақтдан эътиборан Президентимизнинг "Буюк давлат қуриш ва буюк келажакка эришиш учун оқил, маърифатли ва айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган фарзандларни тарбиялашимиз керак" деган сўзларини ўзим учун шиор қилиб олдим. Чала қолиб кетган тадқиқотларимни ҳеч кимдан ҳадиксирамай, дадил давом эттиришга киришдим...

Шундай қилиб, кекса устоз раҳбарлигидаги "Ёш тарихчи ўлкашунослар" тўгараги аъзоларининг жўшқин фаолияти туфайли Далварзин чўлларида чирой очган шаҳар-қишлоқлар ўтмиши ҳақида қимматли маълумотлар тўпланди. Натижада "Бекобод тарихи" музейи ташкил этилди. Темурийлар тарихига доир маълумотлар асосида яратилган яна бир музей туман аҳолисига "Амир Темур йили" муносабати билан қилинган ажойиб туҳфа бўлди. Муаллим ўз уйида ташкил этган "Далварзин" қишлоғи тарихий музейи" ҳам доимо ўқувчилар билан гавжум. Уларни кўриб ўқитувчининг кўкси фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади. Истиқлолга шукроналар келтиради:

– Энг муҳими, менинг камтарона меҳнатларим айнан Истиқлол йилларида юқори баҳоланди...

1991 йил "Меҳнат фахрийси", 1993 йили "Олий тоифали ўқитувчи", "Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси", "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови совриндори, 2000 йили "Ҳурмат тўни" соҳиби, 2003 йилда "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси", 2009 йили "Фидокорона хизматлари учун" ордени нишондори.

– Бинобарин, мен шу муқаддас Ватанда инсон ҳақиқатан ҳам азиз эканига, ҳалол меҳнат албатта эътироф этилажагига, эзгу ният вақти-соати келиб ижобат топажагига ўз ҳаётим ва ютуқларим мисолида яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, – дейди у.

Вилоятимизда баркамол авлод тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилаётган устозу мураббийлар, улар орасида муносиб эътибор ва рағбат топаётганлар, давлатимизнинг нуфузли мукофотлари, унвонларига сазовор бўлаётганлар оз эмас. Улар устоз, ўқитувчи, мураббий деган номнинг шарафи, масъулияти, жавобгарлигини яхши ҳис этадилар. Зеро, уларга Ватан келажагини таъминловчи ёшлар тарбияси ишониб топширилган. Баски, нафақат ёш авлод тарбияси, балки Мустақил Ўзбекистон, она Ватан тақдири ишончли қўлларда эканлиги шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

АСР ВАБОСИ

**"Мен онамнинг ёлғизгина боласиман. Оналарга таъриф бермоқчи эмасман. Бироқ юрагим оғрияпти. Дунёга сиғмай кетяпман. Ёрдам беринг..."**

**Қизнинг мақсадини тушуна олмадим. Ёрдам сўраб фарёд қиляпти. Нима демоқчи ўзи. Ҳали жуда ёшку. "Биздан нима ёрдам керак", секин сўрайман ундан.**

# ГИЁҲВАНД АЁЛ ИЗТИРОБЛАРИ



– Ёлғиз қизман. Балки шунинг учун айтганим айтган, деганим деган бўлгандир. Сўраганларимни муҳайё қилишди. Коллежни амал-тақал қилиб битирдим. Ўртоқларим ҳам эркароқ эди. Хоҳласак дарсга кирдик, хоҳламасак, йўқ. Кейин эса кафе, дискотека, барлар кўпайди. Киргим, ўйнаб-кулгим келарди. Бироқ ҳаммасига пул керак. Айниқса, чилим одамни ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Мени пул билан таъминлаб турган йигит тарвузли, қулупнайли чилимларни тортгани учун мен ҳам унинг таъмини тотиб кўрдим. Зўр. Кейин нашага ўтдик. У ҳам камлик қилдими, нинага ўтирдим. Хуллас, онам шўрлик тамом бўлди. Аввал сезмаган эди. Лямкали кийимларимни яшириб киярдим. Кунларнинг бирида кўриб қолди. Менинг қизим ҳали шунақами, дея ўзидан кетди.

Уйдагилар бир амаллаб турмушга узатишди. Ҳеч кими йўқ бир йигитни топиб, унга янги "Спарк" машинасини олиб беришди. Аммо, менга бу йигитми, бошқасими, фарқи йўқ эди. Эрми эр...

Бир куни кечқурун эрим қўлидаги қоғозларни юзимга отиб юборди:

– Камбағал экан деб сендай тирик мурдани қўйнимга солган ота-онангнинг падарига лаънат! Ол машинангни, соғлиғимни қайтариб бер!

Индамадим. Хуллас, дарди бедавога чалинибман. Эрим ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлди. Аввалига сир бой бермадим, кейин даҳшатга тушдим. Наҳотки, бу касалликни тузатиб бўлмаса? Нима қилишимни билмаяпман. Мени ушлаб турган ҳали туғилмаган гўдагим. Нима қилай туғсам, яна битта ОИТС. Туғмасам...

Гиёҳванд модда шунинг учун хатарлики, у инсонни Аллоҳ буюрганидай ҳалол яшашдан маҳрум этади, унинг одамлар орасидаги обрўсини йўқотади, оиласини парокандалик ботқоғига отади, соғлигига жиддий путур етказади, ўзини эса жиноят йўлига бошлайди. Энг фожиалиси, фарзанддек ҳаёт неъматининг заволга учраши, эрта ўлим топишидир.

Бугунги кунда гиёҳванд балоси чегара, ўлчов билмайдиган бир ҳолатга келди. Унинг касофатидан Ер юзида миллионлаб инсонлар ҳаёт билан эрта видолашмоқда, соғлиғидан ажрамоқда, оилалар бузилиб кетяпти, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ортиб бормоқда. Олдинига шунчаки кўнгилхушлик, оддий қизиқиш билан бошлаган "гиёҳдан бир тотиб қўйиш" кейинчалик унга батамом ўрганиш, усиз тура олмаслик, кунлик "доза"га пул топиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслик каби жиноятларга олиб бормоқда.

Ислом динида ўзига ҳам, ўзгага ҳам зарар етказиш қаттиқ қораланган. Кишининг гиёҳванд моддалар истеъмол қилиб, ўз жонига қасд қилиши улкан гуноҳдир. Имом Бухорий ривоят қилган қудсий ҳадисда бундай дейилган: "Бандам ўзини ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим". Пайғамбаримиз: "Сизлардан ким ёмон, мункар ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин, агар унга ҳам қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, тили билан ҳам монелик қила олмаса, унда қалби билан қайтарсин" деганлар.

Гиёҳвандликнинг зарарларини санаб адоғига етиш қийин. Инсонни заифлаштиради, турли хасталикларга чалинтиради, иммунитетини йўқотади. Хотирани пасайтириб, ҳамма нарсага бефарқ қилиб қўяди. Юрак, қон-томир ва асаб тизимини ишдан чиқаради. Энг даҳшатлиси ОИТС касаллигига чалинади.

Ақлни кетказувчи гиёҳванд моддаларни сотиш ва тарқатишнинг ҳукми уларни тановул қилишдан ҳам оғирроқдир. Мўмай пул топиш, текин даромадга эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган айрим кимсалар бу мудҳиш қилмишлари билан ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қанчадан-қанча ёшларни ҳаётдан эрта кетишларига, майиб-мажруҳ бўлишларига, турли жиноятларга қўл уришларига сабаб бўлишаётганини билишармикин?! Динимизда бир кишини ўлдириш бутун инсониятни қатл этишга тенглаштирилган. Бундай ёвуз кимсалар қанчалаб оилаларнинг барбод бўлишига, жамият корига ярайдиган ёшларни тубанликка юз тутишига сабаб бўлишяптики, уларнинг бу жиноятини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Динимиз ҳалолликка, покликка, юксак ахлоққа чақиради, бунинг замирида эса инсон саломатлигини, наслини, бахтини ҳимоя қилиш ётади. Гиёҳвандлик балоси инсонни буларнинг ҳаммасидан бирданига жудо қилади.

Бундай касалликка чалинганлар энг аввало далдага, насиҳатга, тиббий муолажага муҳтождирлар. Шунинг учун ота-оналар, маҳалла улуғлари, кенг жамоатчилик ёшларнинг юриш-туриши, ким билан дўстлашаётгани, бўш вақтини қаерда ва қандай ўтказаётгани, уларнинг кўча-кўйларда бемаҳал, сабабсиз тентираб юришлари каби ҳолатларга ҳамиша ҳушёр бўлишлари, асло назоратдан четда қолдирмасликлари лозим. Шундагина азиз ва ардоқли фарзандларимизни ёшлар бахтига чанг солиб турган гиёҳвандлик балосидан ўз вақтида қутқариб қоламиз.

Юқорида ёрдам сўраган қизимиздан эса имонли, қалби меҳрга тўла, покликнинг тимсоли онажонларимиз, мардликнинг намунаси бўлган оталаримиз ўз маслаҳатларини аямасалар. Зеро, йўлдан адашганларга ёрдам бериш, меҳр-мурувват кўрсатиш бизнинг халқимизгагина хос хислатдир.

**Маҳмуд АБДУСАИДОВ,**
**Бўстонлиқ тумани бош имом-хатиби вазифасини бажарувчи.**

ПАХТА – 2012

# ТЕРИМ СУРЪАТИ – ХИРМОН БАРАКАСИ

– Кечаги кунгача шартномадаги 52 тонна ўрнига 61,5 тонна юқори нав хом ашё топширдик, – дейди "Абдумажид бобо" фермер хўжалиги раҳбари Акбар Машахапов. – Яна камида 10 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 38 центнерга етказамиз.

Қуйида шартномага қўшимча пахта топшираётган фермер хўжаликлари билан танишасиз.

**ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ**

"Мурод", "Бек-Жаҳонгир-Агро", "Қурбонназар Баҳром", "Дамирбек Мустафо", "Омонов Раҳмонгелди-чорва", "Дамирбек Мустафо Нодир-чорва", "Хонтемир-чорва", "Найман ч ф", "Бойназар ўғли Шакарбой", "А. Аваз", "Музаффархон Тўра", "Кулли Кутон", "Муқаддас", "Мусурмонжон Йўлдош".

**БЎКА ТУМАНИ**

"Расул Жўрабек", "Абдуғани Умрибону Чорбоғи", "Темур", "Азизов Миржалол", "Ҳайит Мирзо Ўктам", "Умирзоқ Абдужалил", "Нодир", "Ҳайдаров Аҳмад Чорбоғи", "Абдураҳмон

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Орзуси", "Йўлдошев Омон", "Ботир ўғли Ўктам", "Фарҳоджон Ғолибжон", "Абдужаббор Анвар", "Валихон ота", "Бобур Хўжақўрғон", "Камолот", "Мустақиллик", "Саид".

**БЕКОБОД ТУМАНИ**

"Эликўзи ота", "Бердибоев Яхшибой", "Бойбўта", "Ризақуловлар", "Қурбон Иброҳимов", "Фароғат омад файз", "Хуррамбекжон", "Хушмуродов Раим", "Насим Улуғбек файз", "Жумабой", "Шоҳрухбек Шаҳзодбек", "Исоқов Юсуфжон".

**ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ**

"Саид Эркин", "Ултув", "Асадбек Жавлонбек агро файз".

**ПИСКЕНТ ТУМАНИ**

"Шукуруллаев Шароф", "Олтин қир неъмати", "Сувонов Зафар боғи", "Мустақиллик", "Назирқул ота", "Ҳайдарова Шоира".

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ**

"Нуржон Кулмес туп".

**ЧИНОЗ ТУМАНИ**

"Абдулахатов Дилшод", "Хўжамқулов Ахтам", "Шоҳжаҳон файз барака", "Яхшилик", "Мулла Али", "Эргашев Қолмон".

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМИША ҲАҚ

# МАЪЛУМОТНОМА МАШМАШАСИ

**Қибрай тумани, Ёнариқ қишлоғи, "Маданият" маҳалласи, Хиёбон кўчасида яшовчи Абдувоҳид Тошхўжаев уйининг олди-сотди ҳужжатларини тайёрлашга киришганда, нотариус фойдаланган электр қувватидан қарзи йўқлиги ҳақида туман электр таъминоти корхонасидан маълумотнома олиб келишни талаб қилди. Қонун шуни талаб этишини тўғри тушунган истеъмолчи корхона ходимларига учрашди. Бироқ, туман электр таъминотидагилар ундан уйидаги электр ҳисоблагичини янгисига алмаштиришни талаб қилиб, маълумотнома беришмади.**

Уйининг олди-сотдиси шу арзимас сабаб билан тўхтаб қолганидан ташвишланиб, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Вилоят ҳудудий бирлашмаси истеъмолчининг аризасида баён этилган вазиятни туман электр таъминоти корхонаси ходимлари иштирокида қонун нуқтаи назаридан ўрганиб чиқди. Натижада туман электр таъминотидагиларнинг истеъмолчидан уйидаги электр ҳисоблагичини янгисига алмаштириш ҳақидаги талаблари қонунга хилоф эканлиги, қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома ёзиб бермай, сансалорликка йўл қўйишгани тасдиғини топди.

Ҳақиқатан ҳам республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 245-қарорининг 103-бандида "Маиший истеъмолчиларда мавжуд бўлган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ҳамда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини электрон ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш (янгидан уланадиган истеъмолчилардан ташқари) ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади" деб белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, электр таъминоти корхонаси истеъмолчининг ўз ҳисобидан электр ҳисоблагич сотиб олиб, ўрнатишини талаб қилиши истеъмолчи манфаати ва қонуний ҳуқуқини поймол қилишдир.

Хуллас, истеъмолчидан шу ойнинг 3-санасида ҳудудий бирлашмага келиб тушган шикоят аризаси бир ҳафта ичида охиригача ўрганилиб, қонуний ҳал этилди, яъни истеъмолчининг поймол этилган ҳуқуқи тикланди. А. Тошхўжаев 10 сентябь куни электр таъминоти корхонасидан қарзи йўқлиги ҳақида маълумотнома олди.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

**"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йил 23 февралда қабул қилинган фармонига биноан ташкил этилган. Унинг асосий фаолиятини чарм хом ашёсини тайёрлаш ва етказиб бериш, уни қайта ишлаш, шунингдек, пойабзал ҳамда галантерея товарларини ишлаб чиқариш ташкил этади. Уюшма вазифалари инвестицияларни жалб этиш орқали корхоналарда илғор технологияларни жорий қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш масалаларида ягона сиёсатни юритишдан иборат.**

# АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ — АМАЛИЁТГА

"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси таркибига 44 корхона киради. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга ошириш қаторида уни экспортга етказиб бериш ҳажми ҳам кўпаймоқда. 2012 йилнинг январь-февраль ойларида қиймати 103,5 миллиард сўмлик товар маҳсулотлари (ўсиш суръати 123,2 фоиз), 53,2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари (ўсиш суръати 117 фоиз), 198 миллион квадрат дециметр чарм маҳсулотлари (ўсиш суръати 125,8 фоиз), 4,1 миллион жуфт пойабзал (ўсиш суръати 120 фоиз) ва 2,9 миллиард сўмлик чармгалантерея буюмлари (ўсиш суръати 103,2 фоиз) ишлаб чиқарилди. 37 миллион долларлик чарм пойабзал экспорт қилинди (ўсиш суръати 3,3 марта). Бундан ташқари, қиймати 23,6 миллиард сўмлик (139 фоиз) импорт ўрнини босадиган ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот тайёрланди.

Эришилган муваффақиятлар асосини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилгани ташкил қилади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори бу жараёнда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси раиси Искандархон Отахонов қабул қилинган мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилиб, у тегишли чоралар ишлаб чиққани ва уларни назорат остига олганини таъкидлади. Тармоқда компьютер технологияларидан фойдаланиш қоидалари амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилмоқда, ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир уюшманинг корпоратив сиёсатига қатъий амал қилинмоқда.

Уюшма "Реворк" масъулияти чекланган жамияти билан ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш, маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, uzcharm.uz веб-сайтини мунтазам янгилаш масалалари бўйича амалий ёрдам бериш тўғрисида шартномани имзолади.

Бугун уюшманинг барча ходимлари компьютерлар билан таъминланган. Улар маҳаллий тармоқ ва интернетга уланган. Уюшмада ҳар бир ходим ва унинг таркибига кирувчи корхоналар учун корпоратив электрон почта тизими фаолият кўрсатмоқда. Уюшма марказий аппаратининг барча ходимлари компьютер курслари ва ахборот хавфсизлиги бўйича махсус машғулотларда ўқиди. Натижада уларнинг деярли барчаси компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича аттестациядан ўтди.

Яқинда уюшмада электрон ҳужжат айланиш тизими йўлга қўйилди, ички ҳужжат айланиши тўлиқ электрон шаклда амалга оширилаётир.

Уюшманинг расмий www.uzcharm.uz веб-сайти мутлақо янги кўринишга эга бўлди. Унда бир қанча қўшимча қулайликлар яратилди. Энди уюшма ва унинг таркибига кирадиган корхоналар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар мунтазам бериб борилади. Тармоқдаги янгиликлар, халқаро ва маҳаллий кўргазмалар, ярмаркалар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида ахборотлар эълон қилинади. Ахборот технологиялари ва хизматлари жорий этилди, фуқароларнинг мурожаат ва таклифлари мунтазам кўриб чиқилмоқда.

Бухгалтерлар таркибининг иш самарадорлиги ошди. Корхоналарда "1-С Бухгалтерия" махсус дастурининг жорий этилиши натижасида бухгалтерлик ва бошқа ҳисоб-китоблар қисқа муддатлар ичида амалга оширилмоқда. Уюшма корхоналари Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасига электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этмоқда.

"Тўрт фасл файз" корхонаси веб-сайтида интернет-дўкон хизмати ташкил қилинган. Буюртмани электрон шаклда бериш ва корхона маҳсулотини сотиб олиш имконияти яратилди. Ҳозир ушбу тажрибани бошқа корхоналарда ҳам татбиқ этиш ишлари олиб борилаётир.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ижобий натижалар қатори ўз ечимини талаб этадиган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, соҳада ишлаб чиқариш, статистика ва иқтисодий маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимлари суст жорий этилмоқда. Янги ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришга фаол татбиқ этиш лозим. Корхоналарнинг мансабдор шахслари тизимли равишда ўқитилиши ва улар учун семинарлар ўтказишни давом эттириш керак.

Истиқболда уюшма веб-сайтларни мунтазам янгилаб боради, уларни корхона ҳақида батафсил ахборот жойлаштириладиган портал даражасига кўтаришни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, он-лайн режимида давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади. Маҳсулотлар ҳажми ва турлари ҳақида ишлаб чиқариш ҳамда статистика маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, уюшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни ҳисоблаш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган бирлашган ахборот тизимини жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Корпоратив тизимдан кенг фойдаланиш ва "e-hujjat" ҳамда "e-hat" тизимларини қўллаш орқали ҳимояланган ахборот билан алмашишни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ОСОЙИШТАЛИК ФИДОЙИЛАРИ

Бугунги кунда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, айниқса, чегаралараро жиноятлар, хусусан, наркобизнес, одам савдоси каби жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида чегара ва блок-постларда қатъий назорат ўрнатилган. Уларда кириб чиқувчи фуқаролар ва юклар ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан жиддий текширувдан ўтказилади. Кўплаб жиноят ва қонунбузарликлар шундай масканларда аниқланиб, зарур чоралар кўрилмоқда.

**СУРАТДА:** вилоят ИИБ йўл-патруль хизмати инспектори Искандар Усмонов ва Зангиота тумани ХООБ профилактика нозири Дониёр Низомов "Ҳабиб Нўъмон" блок постида навбатчиликда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**


**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Қибрай туман СИБ томонидан 06.04.2012 й. № 11-1228/1972-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулова Қ.Ф.Й., Юқори юз кўчасида жойлашган 2 қаватли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 118 750 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 26 октябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

ДАТ "Асака" банки ОАЖнинг 3Х-22-20/4168-сонли хати ва ДАТ "Асака" банки ОАЖ Тошкент шаҳар филиалининг 31.05.2012 йилдаги 346-сонли буйруғига асосан, ДАТ "Асака" банки ОАЖ Тошкент шаҳар филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 73-уй манзилида сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Лот № I – 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 894341, кузов рақамисиз, шасси рақами 00152, ранги оқ (белый), автобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681095, давлат рақами 01/ 325ВАА бўлган, "Мидибус М24.9" русумли (автобус) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 885 282 сўм;

Лот № I I – 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 0014672, кузов рақами 0007822, шасси рақами 0156131, ранги оқ (белый), Газ 322132 СНГ микроавтобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681098, давлат рақами 01/ 328 ВАА бўлган, Газ 322132 СНГ русумли (микроавтобус) автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 11 598 940 сўм;

Лот № I I I – 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 0046032, кузов рақами 0022863, шасси рақами 0166084, ранги оқ (белый), Газ 322132 СНГ микроавтобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681096, давлат рақами 01/ 326 ВАА бўлган, Газ 322132 СНГ русумли (микроавтобус) автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 12 164 742 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 26 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 26 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 2 ноябрь ва 9 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600002, МФО 00425, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: (+99895) 177-49-14.

Гувоҳнома № 006795.

Сирғали тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган, Тошкент шаҳри, Қипчоқ кўчаси, 66-уйдаги "MATAOMUN" МЧЖ (ИНН 301144928) **ТУГАТИЛАДИ** (таъсисчиларнинг 2012 йил 3 сентябрдаги 2-сонли баённомасига асосан).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2004 йил 27 февралда 000049-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SEVINCH-XAVAS" хусусий корхонаси (СТИР 204883413) корхона таъсисчисининг 2012 йил 20 сентябрдаги қарорига асосан устав жамғармасини 10 313 079 сўмдан 5 000 000 сўмга камайтирмоқда. Даъволар Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир шоҳкўчаси, 32-А уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: 545-46-54.

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2009 йил 12 августда 000730-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BIBATIROV SERVIS" МЧЖ (СТИР 301150557) жамият таъсисчисининг 2012 йил 14 сентябрдаги 1-сонли буйруғига асосан **ТУГАТИЛАДИ**.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 941-35-16 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бектемир тумани ҳокимининг 2003 йил 16 майда 206-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган "GLOBUS-BTS" (СТИР 204550265) хусусий фирмасининг 2012 йил 20 сентябрдаги қарорига асоан ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилмоқда. Даъволар Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчаси, 28-А уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: 920-08-21.

ООО "KRASNIY KVADRAT", (ИНН 302315357) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Айбек, 38-Б, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 24.09.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: +99890 188-28-92.

Тошкент вилояти, Паркент тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "BOYQOZON CHEKSIZ KARVON" фермер хўжалигига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Зайиров Рустам Абдивайитович номига 2011 йил 6 январда берилган реестр тартиб рақами 5321 № 0005321 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную круглую печать и угловой штамп ООО "BIBINUR SERVIS FAYZ",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "TSN" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "TSN" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига 1. Ҳамза туман СИБ томонидан 10.11.2010 йилдаги 1-6462/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1984 йилда и/ч., дав. бел. 30 N 6537 бўлган "ВАЗ-21051" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 9 000 000 сўм. 2. Ҳамза туман СИБ томонидан 10.11.2010 йилдаги 1-6462/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда и/ч., дав. бел. 30 Y 0028 бўлган "ГАЗЕЛЬ – АТС 3285" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 5 000 000 сўм. 3. Миробод туман СИБ томонидан 01.08.2012 йилдаги 27280/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 A 335 EA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 15 432 350 сўм. 4. Миробод туман СИБ томонидан 01.08.2012 йилдаги 27279/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2001 йилда и/ч., дав. бел. X 195 BCN бўлган "Тойота Кэмри" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 27 744 381 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 25 октябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 9 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6547-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони манзилида жойлашган "Пиллакор" МЧЖга тегишли, умумий майдони 942,2 кв.м. бўлган Литер-Г.даги бостирма такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 37 130 400 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 15 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 12 октябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖда 2012 йил 1 октябрь кунидаги кимошди савдоси "Ўқитувчи ва мураббийлар куни"га тўғри келганлиги сабабли 2012 йил 2 октябрь кунига кўчирилганлигини маълум қиламиз.

"SPARETRA" МЧЖда 2012 йил 1 октябрь кунидаги кимошди савдоси "Ўқитувчи ва мураббийлар куни"га тўғри келганлиги сабабли 2012 йил 2 октябрь кунига кўчирилганлигини маълум қиламиз.


## РЕЕСТР № 19-03-22-05-ЎзР-47-2012

# ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

**2012 йил 1 октябрдан жорий этилади**

**Умумий кўрсатмалар**

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.

2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситгич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.

4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.

5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.

7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.

Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда ($43 м^3$/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.

8. Автоном сув иситгич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.

9. Ушбу прейскурантнинг "Умумий кўрсаткичлар"и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.

10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2011 йил 28 сентябрь, реестр № 19-03-22-05-ЎзР-52-2011) нархлар ўрнига 2012 йил 1 октябрдан жорий этилади.

**1. Аҳоли томонидан фойдаланилган табиий газ учун тарифлар*)**

| Т/р | Номи | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги тарифи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | $10 м^3$ | 1228,50 |
| 1.2 | Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: | | | |
| | овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | ГОСТ 5542-87 | $10 м^3$ | 2125,28 |
| | Иситиш учун | ГОСТ 5542-87 | $10 м^3$ | 985,60 |

**2. Газ ўлчагичлари йўқ ҳолатда коммунал-рўзғор эҳтиёжларига ишлатиладиган газ учун тарифлар (ГОСТ 5542-87)**

| Т/р | Истеъмолчи тавсифи | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўловлар: Йиллик*) | Тариф бўйича тўловлар: Ойлик |
|---|---|---|---|---|
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари | Бир яшовчидан $11,0 м^3$ | 28053,60 | 2337,80 |
| 2.2 | Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари | $15,0 м^3$ | 38254,80 | 3187,90 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситгичлар | $16 м^3$ | 40805,40 | 3400,45 |
| 2.4 | Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига: | Иситиладиган хонанинг $1 м^3$ учун | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | Хонанинг $1 м^3$ учун $6,0 м^3$ | 2956,75 | 591,35 |
| | Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда | Хонанинг $1 м^3$ учун $5,76 м^3$ | 2838,50 | 567,70 |
| 2.5 | Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда молларга озуқа тайёрлаш | Отга $5,6 м^3$ | 14281,80 | 1190,15 |
| | | Сигирга $23,7 м^3$ | 60442,80 | 5036,90 |
| | | Қўй (эчки)га $2,2 м^3$ | 5610,60 | 467,55 |
| | | Чўчқага $12,5 м^3$ | 31879,20 | 2656,60 |

*) *Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.*

**Табиий газдан улгуржи фойдаланувчи раҳбарлар диққатига! "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2012 йил 17 сентябрдан № 19-03-22-05-ЎзР-48-2012 рақами билан тасдиқланган нархлар прейскурантига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси улгуржи истеъмолчиларига етказиб бериладиган газ нархи 2012 йил 1 октябрдан қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метри учун 128000 сўм қилиб белгиланди.**

**Эслатма:**

1. Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.
2. Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.
3. Табиий газнинг улгуржи нархи электр станциялари ва иссиқлик таъминоти корхоналари учун алоҳида белгиланади.
4. Мазкур реестрга амал қилина бошланиши билан 2012 йилнинг 15 мартдаги № 19-03-22-05-ЎзР-9-2012 реестри ўз кучини йўқотади.

**"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2012 йил 17 сентябрдан № 19-03-22-05-ЎзР-49-2012 рақами билан тасдиқланган нархлар прейскурантига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иссиқлик таъминоти корхоналари улгуржи истеъмолчиларига етказиб бериладиган газ нархи 2012 йил 1 октябрдан қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метри учун 122850 сўм қилиб белгиланди.**

**Эслатма:**

*1. Ушбу реестрда кўрсатилган табиий газ нархидан фойдаланувчи иссиқлик таъминоти корхоналари рўйхати илова қилинади.*

*2. Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.*

*3. Мазкур реестрга амал қилина бошланиши билан 2012 йилнинг 15 мартдаги № 19-03-22-05-ЎзР-10-2011 реестри ўз кучини йўқотади.*

**Табиий газга алоҳида нарх белгиланадиган аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи иссиқлик таъминоти корхоналари рўйхати:**

1. "Каммуналык ыссиклык орайы" ОАЖ
2. "Таштеплоцентраль" ОАЖ
3. "Бухороэнергомарказ" АЖ
4. "Фарғонаэнергомарказ" ОТАЖ, унинг Қувасойдаги шўъба корхонаси ҳам киради.
5. "Таштеплоэнерго" ишлаб чиқариш бирлашмаси
6. "Қўқонэнергомарказ" ОАЖ
7. Андижон "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
8. Бухоро "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
9. Жиззах "Иссиқлик манбаи" ПУ
10. Қашқадарё "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
11. Наманган "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
12. Навоий "Иссиқлик манбаи" МЧЖ
13. Самарқанд "Иссиқлик манбаи"ОАЖ
14. Сурхондарё "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
15. Сирдарё "Иссиқлик манбаи" вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси
16. Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
17. Фарғона "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
18. Хоразм "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
19. "Ташкентская теплоэлектроцентраль" ОАЖ
20. Навоий КМК (5-кон бошқармаси қозонхонаси, НКМК-нинг аҳолига хизмат кўрсатувчи Шимолий, Марказий ва Жанубий кон бошқармалари)
21. "Тахиаташ ыссыклык тармагы" МЧЖ
22. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек қўрғонидаги таъмирлаш-қурилиш фойдаланиш корхонаси.

**ТАЭКВАНДО**

# ВАКИЛЛАРИМИЗ УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

Мураббийлар ўсмир шогирдларини ҳар қандай вазиятда ҳам фақат ғалаба қозонишга, рақиб тажрибали бўлиб, ундан енгилган тақдирда ҳам буни тўғри ва муносиб қабул қилишга даъват этадилар. Бундай одат уларга иқтидорли курашчи бўлиб шаклланишларида асқотади. Шуни ҳисобга олиб, биз ўсмир йигит-қизларимизни йирик халқаро мусобақаларга юбориб турамиз. Чунончи, ушбу республика кубоги мусобақалари ғолиб ва совриндорлари шу йилнинг охиригача, Сочи ва Санкт-Петербургда бўлиб ўтадиган турнирлар ҳамда АҚШнинг Лас-Вегас шаҳридаги мусобақаларда иштирок этадилар.

Республика кубоги мусобақалари бошланиши олдидан моҳир полвонлар ўсмир йигит-қизларга ушбу беллашувда муваффақият тиладилар.

Вилоятимиз вакиллари кўплаб совринли ўринларни эгаллаб, мухлисларни хушнуд этдилар. Терма жамоамиз мураббийи Эркин Пўлатов иқтидорли таэквандочиларни танлашда янглишмаган экан. Саккиз бола ва қизларимиз шуҳрат шоҳсупасидан жой олдилар. Д. Рўзиев, А. Турдимуродов, М. Муҳаммедова, С. Саидакмалов, З. Эргашева барча рақибларидан устун келиб, мусобақа ғолиби бўлдилар. А. Абдураҳимов иккинчи, Шоҳруҳ Ҳусанов ва З. Комилжонов учинчи ўринларни қўлга киритди.

(Давоми. Боши 1-бетда).





Жамоалар эришган натижалар сарҳисоб қилинганда Бекобод шаҳрининг "Барс" жамоаси биринчи ўринни эгаллагани маълум бўлди. Вилоятимиз терма жамоаси эса норасмий ҳисобда Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринни банд этди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

**ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ**

# ҚЎРҒОНИМИЗ МУСТАҲКАМ

Мингтепа кўҳна тепаликлари, унга шон-шуҳрат келтирган азамат полвонлари билан машҳур бўлган. Усмон полвон, Абдуназир полвон, Ҳаким полвон, Исоқ полвонлар шу заминнинг асл фарзандларидир. Улар полвонлик мартабасида туриб ҳам ўзлари яшаган жойни оила аъзолари билан жаннатмонанд боғроғларга айлантирганлар. Янги узум навларини экиб, парваришлаб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этганлар. Мингтепа узуми ҳали-ҳануз бутун Ўзбекистонга маълуму машҳур. Тошкентликлар Мингтепа узумини хуш кўрадилар, тўйларида дастурхонларига кўрк қилиб қўядилар. Бугун ана шу полвонларнинг зурриётлари оталари яратган боғларни янада яшнатиб, тўкин-сочин яшамоқдалар.

Аммо беш қўл баравар бўлмаганидек, ҳамма ҳам бирдек жонкуяр, зийрак эмас. Кимдир бир қулоч ердан ҳам самарали фойдаланиб, ҳаётини тўкин, фаровон ўтказмоқда. Кимнингдир каттагина томорқасида фақат янтоқ, шўра ўсмоқда. Боқимандаликдан қутулолмаган, фақат бербердан оғзи бўшамайдиган бу тоифадаги кимсаларга энди қонун асосида жавоб берадиган, керак бўлса, ҳаракатга келтириб қўядиган ягона ишончли куч – маҳалла фуқаролар йиғини, унинг атрофига жам бўлган фаоллар бор. Оқсоқолдан тортиб барча фаоллар энди мингтепалик ҳар бир фуқаро ҳаётига, унинг бугуни ва эртасига, қолаверса, саноқли қолган ҳар бир тепаликнинг сақланишига масъул ва жавобгардирлар. Ўз навбатида, шу ҳудуднинг тадбиркорлари, ишбилармонлари ҳам, ҳавас қилгулик кўплаб оилалар аъзолари ҳам эндигина ташкил топган маҳалла фуқаролар йиғинига яқин кўмакдош, маслакдош бўлишлари жуда зарур. Шунда Мустаҳкам оила йилида мингтепалик юзлаб оилаларимиз ҳаётида ҳамжиҳатлик ва аҳилликнинг ширин меваси сифатида хайрли ўзгаришлар, янгиланишлар рўй беради. Қўрғонимиз мустаҳкам экан, тўкин ва фаровон ҳаёт бизни ҳеч қачон тарк этмайди.

**Собиржон ИНОМОВ, Пискент тумани.**

**ДЗЮДО**

# ЁШЛАРИМИЗ – ИККИНЧИ ЎРИНДА

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон кубоги якунланди.**

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, Япония, АҚШ, Канада, Беларусь, Арманистон, Исроил, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия ва Афғонистон каби давлатлардан 100 дан зиёд дзюдо устаси ғолиблик учун куч синашди.

Спортни ривожлантириш, замонавий мажмуалар барпо этиш ва зарур шароитлар яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор сабабли мамлакатимизда халқаро миқёсдаги мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари юқори савияда ўтмоқда. Халқаро дзюдо федерацияси томонидан бу йилги жаҳон кубоги ҳамда 2013 йили ўтадиган "Гран-при" туркумидаги халқаро турнирга мезбонлик қилиш ҳуқуқининг Ўзбекистонга берилгани ҳам юртимиз спорт салоҳиятининг яна бир жаҳоний эътирофи бўлди.



Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркиби шу йилнинг октябрь ойида Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтадиган "Гран-при" туркумига кирувчи турнирга тайёргарлик кўраётгани боис пойтахтимиз мезбонлик қилган жаҳон кубогида юртимиз шарафини асосан ёш спортчилар ҳимоя қилди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бир олтин, 4 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ўзбекистонлик Мирали Шарипов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ўткир Қурбонов, Диёрбек Ўрозбоев, Ҳамиджон Мўминов ва Арсен Бабаян кумуш медални қўлга киритган бўлса, Авазбек Қўрғонов, Улуғбек Норқобилов, Шуҳрат Арслонов, Эркин Дониёров, Сойиб Қурбонов, Фахриддин Шарипов, Болтабой Болтаев ва Одилжон Тулендибоев бронза медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, япониялик Наохиса Такато, Кейта Нагашима, Юя Йошида, Дайсуке Кобаяши, Такеши Ожитани, россиялик Абдулла Абдулжалилов жаҳон кубоги мусобақасининг олтин медалини қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида ҳамюртларимиздан Виктория Оздаева кумуш медални қўлга киритган бўлса, Нодира Гулова, Дилдора Убайдуллаева ва Шоҳиста Сафарова кучли учликдан жой олди.

Исроиллик Шира Ришони, Ярден Герби, Лиор Уилдикан, беларуслик Марина Слутская, арманистонлик Жанна Станкевич, қозоғистонлик Александра Подрядова ва Анар Сейтимова олтин медаль билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

**МУЛОҲАЗА**

# УЙДА КИМ БОР?

"Суюнчи" фильмини қайта-қайта томоша қилганмиз. Ҳар бир персонажнинг гаплари ёд бўлиб кетган. Анзират момонинг шаҳардан кўчиб келган врачнинг эшигига қулф осилганини кўриб, жаҳл билан айтган сўзларини эсланг...

Куни кеча шаҳримизнинг номдор кўчаларидан бирида истиқомат қилувчи қариндошимизникига бир юмуш билан бордим. Анчадан бери келмагандим, уйлар ҳам, кўчалар ҳам ўзгариб кетибди. Хонадонни чамалаб топдим. Эски уй бузилиб, қайта қурилибди. Икки қаватли баланд уйнинг томига қарасангиз, бошингиздан дўппингиз тушиб кетади.

Дарвозага яқинлашдим, чапи-ўнгига қарадим. Иккитами-учта майда чироқли қўнғироқ тугмаларига кўзим тушди. Қайси бирини босишни билмай, иккиланиб турдим-у, таваккал, деб биттасини босдим. Жимлик. Қайта-қайта босдим. Шу пайт ҳовлидан аёл кишининг товуши эшитилди. Энди дарвозани қўлимдаги машина калити билан тақиллата бошладим.

– Ким у? Ҳозир, – деган овоз эшитилди:

Эшикни ёшгина келинчак очди. Ўзимни таништирдим. У: "Дадажонни ҳозир чақираман", деб ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай, қариндошим пешвоз чиқди:

– Э-э, сизмидингиз? Нега киравермадингиз. Қани, уйга марҳамат! Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Қани, ичкарига.

– Кечирасиз, юмушлар кўп. Шу десангиз, уйда бир кичикроқ йиғин қилаётган эдик. Бирга бўласизлар... Уйларни ўзгартириб юборибсиз-да. Ҳа, яхши, буюрсин, – дедим.

– Энди, бу ишларни мен қилармидим. Болалар замонасига қараб қуришаяпти-да.

– Нимасини айтасиз, замонавий деганича бор экан, – эшикдаги қўнғироқ тугмаларига ишора қилдим.

– Ҳа, буми, – деди-ю, тушунтира кетди. – Мана бунисини босиб туриб, манави жойга гапирасиз. Сўнгра мана бу ерга қулоқ тутасиз. Ичкаридан гапирган одамни бемалол эшитаверасиз. Уйдаги одам дарвоза олдида ким турганини аниқ кўради. Хуллас, хориждан қолишмаяпмиз, ака!...

Мулозаматни жойига қўйиб, хайрлашдим. Йўл-йўлакай ўйладим: қариндошларнинг ҳолидан хабардор бўлиш учун бир пайтлар телефондан фойдалана бошлаганимизда роса куюнгандик, дийдор бошқача бўлади, деб. Энди буни қаранг...

"Домофон" деганимиз вақти келиб, оммалашиб кетар. Фикримча, бу мослама кўпроқ кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётганлар учун қўл келиши мумкиндир. Лекин ҳовли-жойда яшаётганларга бундай "домофон"нинг ҳожати бормикан?... Бу балки, ижтимоий тараққиёт белгисидир. Яна билмадим...

**Асрор СУЛАЙМОНОВ.**

**Пойтахтдаги "Tashkent Palas New" меҳмонхонасида "Тасанно – 2012" халқаро миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб хорижий давлатлар элчилари, дўстлик жамияти вакиллари иштирок этди.**

# МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда Ҳиндистон, Индонезия, Туркия, Германия, Чехия, Корея, Россия, Миср, Малайзия, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон, АҚШ, Покистон, Польша, Украина каби хорижий давлатлардан вакиллар иштирок этди. Улар ўз миллий таомларини намойиш этиш баробарида, урф-одатлари ва маданиятлари ҳақида ҳам маълумот беришди.

Фестиваль якунида олий соврин ва 1-2-3-ўринга сазовор бўлган қатнашчиларга Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, "Ўзбекистон – Малайзия" дўстлик жамияти ва ҳомий ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ, "Туркистон-пресс".**

**РАССОМ ХАНДАСИ**




Изоҳга ҳожат йўқ.

# XXI аср ва дунё

## АҲОЛИ ЧЕКИШНИ ТАҚИҚЛАШГА ҚАРШИ

**Швейцарияликларнинг учдан бири одамлар ишлаётган хоналарда чекишни бутунлай тақиқлашга қарши овоз берди дея хабар тарқатди Wiss Info.**

Мамлакатда 23 сентябрь куни чекишни тақиқлаш тўғрисида референдум ўтказилди. Бунга сабаб шу бўлдики, "Lung league"нинг Швейцария бўлими ташаббус билан чиқиб, чекишни тақиқлаш масаласини умумхалқ овозига қўйишга етарли миқдорда имзо тўплади. Тақиқлашга ресторан эгалари ва кейтеринг бизнеси вакиллари қарши овоз беришди.

BBC News нинг маълум қилишича, мамлакатнинг айрим ўлкаларида 70 фоиздан зиёд сайловчи ташаббусга қарши овоз берди. Бироқ, "Lung league" ташаббусини қўллаб-қувватлаган минтақалар ҳам бор. Жумладан, Женевада 52 фоиз сайловчи чекишни тақиқлашга қарши овоз берди. Бундан ташқари, Женева фаранг тилида сўзлашувчи бошқа еттита минтақадаги каби чекишни тақиқловчи анчагина қатъий қонунига эга. Масалан, ҳамма бар ва ресторанларда чекиш ман этилган. Фақат официантлар бўлмайдиган алоҳида хоналар бундан мустасно. Яна умумий майдони 80 квадрат метрдан ошмайдиган 11 та майда муассасаларда чекишга рухсат этилган.



"Lung league" ўз ташаббусига изоҳ бериб таъкидлайдики, унинг мақсади – кам чекадиган, шу жумладан, умумий овқатланиш муассасаларида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш.

## СОХТА УЧУВЧИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

**Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, ўзини "Люфтганза" авиакомпанияси учувчиси қилиб кўрсатган 32 ёшли эркак Туринда қўлга олинди.**

Фирибгар ўзининг исм-шарифи Андреа Сирло эканини айтди. (Sirlo Турин устидаги парвоз йўлагининг номи). La Repubblic нашрининг ёзишича, италиялик устомон ўзининг учувчи эканига ишонишлари учун Facebookда нафақат ўзи, балки шериги – стюардесса Элена Тиррино ҳақида саҳифа очди. Ҳозир "Андреа Сирло" саҳифаси омма учун ёпилган.

"Сирло" полицияга ўзини учувчи қилиб кўрсатувчи сохта ҳужжатлар тақдим этди. Жумладан, қисқача маълумот, компания ходимининг гувоҳномаси ва бошқалар. У ўзининг лейтенантлик унвонини капитан даражасига кўтаргани унинг учувчи эмаслиги хусусида шубҳа уйғонишига сабаб бўлди. Ҳарбий касбдошлари унинг янги унвонига ишонмадилар, чунки, капитан бўлиш учун ҳали анча ёш эди.

2011 йил 23 октябрда Мюнхендан Турингa парвоз қилган учувчилар сафида "учувчи Андреа Сирло"нинг номи ҳам келтирилади. Мюнхен аэропорти ҳам, "Люфтганза" компанияси ҳам "учувчи" ҳибсга олингани ҳақида изоҳ бермади.



Фирибгарнинг ҳақиқий исм-шарифи ошкор қилинмаяпти. Бироқ, шуниси маълумки, у илгари ҳам жиноий жавобгарликка тортилган.

## ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ БИРЛАШЯПТИ

**BBC News инглиз ташқи ишлар вазирлиги маълумотига таяниб хабар қилишича, Буюк Британия билан Канада бир нечта мамлакатда қўшма дипломатия ваколатхоналарини ташкил этишга келишди.**

Буюк Британия ташқи сиёсат идораси раҳбари Уильям Хейг Оттавага ташриф буюрган вақтда ушбу келишув имзоланади. Бирлашган элчихоналар биринчи галда ё Канаданинг ёки Буюк Британиянинг дипломатия вакиллиги йўқ мамлакатларда ташкил этилади. Бундай бирлашув ҳам Лондон, ҳам Оттаванинг ваколатхоналар таъминотини қисқатириш имконини беради, дейилади Британия ташқи ишлар вазирлиги маълумотномасида. Аммо, айнан қайси мамлакатларда бундай ваколатхоналар очилиши ҳали маълум қилинмаяпти.



"Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмирон ўтган йили Канада парламентидаги нутқида таъкидлаганидек, биз иккита турли миллатлармиз, бироқ, қироличамиз ва умумий қадриятларимиз ягона" дея эслатди Британия ташқи ишлар вазири канадалик ҳамкасби Жон Берд билан учрашуви олдидан. Уильям Хейг эса, Канада билан Буюк Британияни бир қорин нари ака-укаларга тенглаштириб, бу икки мамлакат азалдан биргалашиб ҳаракат қилиб келганини таъкидлади. Вазирнинг гапича, ўтган юзйилликдаги жаҳон урушлари ва бугун Афғонистондаги террорчиликка қарши курашда ҳам шундай бўлган. "Шундай экан, айрим мамлакатлардаги элчихоналаримизни бирлаштиришга интилаётганимиз табиий ҳол", деди Хейг.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қироличаси Елизавета II Канада, Австралия ва Янги Зеландия, шунингдек, Миллий иттифоқнинг бошқа 12 та аъзосининг расман ҳукмдори ҳисобланади. Аммо, унинг роли мутлақо рамзий бўлиб, ҳеч қандай вазифани бажармайди. Умуман, Миллий иттифоқнинг таркиби жами 54 та давлатдан иборат бўлиб, улар асосан Буюк Британиянинг собиқ доминиони, мустамлакаси ва қарам давлатлардир.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 7050. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.10. 12345